
ФАРГОНАЛИК ТАДБИРКОРЛАРДАН 8 НАФАРИ «ФАОЛ ТАДБИРКОР» ҚЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан, мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтариш, юртимизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги катта хизматлари, соҳага илғор инновацион, «яшил» ва рақамли технологияларни жорий этиш, сармоялар ҳажмини кўпайтириш, иш ўринлари яратишга қўшган муносаб ҳиссаси, шунингдек, бизнесда эришаётган салмоқли натижалари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун мамлакатимиз тадбиркорларининг катта гуруҳи «Фаол тадбиркор» қўкрак нишони билан тақдирланди.

Тақдирланганлар орасидан 8 нафар вилоятимиз тадбиркорлари ҳам ўрин олдилар:

Абдурасулов Элмурод Ташпулатович - Қувасой шахридаги оиласи корхона раҳбари,

Акбаров Саидахмад Абдуҳамидович - Риштон туманидаги «Моҳи Диёр Рошидон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари,

Носиров Жахонгир Мансурович - Бешариқ туманидаги «Beshagro Eksport» масъулияти чекланган жамияти директори,

Парпиев Шерзод Аликович - Фарғона шахридаги «Davr-Ru» хусусий корхонаси раҳбари,

Умарова Мариғатхон Юлдошовна - Данғара туманидаги «Vodiy Expo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари,

Усмонова Гулнора Хошимжоновна - Бағдод туманидаги «Гулнора Матқулобод бодомлари» ишлаб чиқариш кооперацияси раҳбари,

Хайруллаева Зебинисо Зикиреевна - Фарғона шахридаги «Тантана текстиль» масъулияти чекланган жамияти раҳбари,

Эркабоев Шерзоджон Махмудалиевич - Бешариқ туманидаги «Sherwood Dizayn» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-14 12:10:12